VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 2 941 та кичик бизнес субъектларини (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 63,0 % га кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

(дехқон ва фермер хўжаликларисиз)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо (жами ташкил этилган субъектларнинг 32,4 фоизи), саноат тармоғида (22,4 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида (15,8 фоиз) ва қурилишда (13,1 фоиз) ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 3 542,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 61,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 252,1 фоизни ташкил қилди;

– 1597,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 97,8 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 136,1 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2 291,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 66,4 фоизини) ташкил қилди;

– 1881,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар хажмининг 63,2 фоизи), 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 106,7 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,0 фоизи ёки 3712,1 млрд. сўми (ўсиш суръати 106,5 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 64,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 66,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 299,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 96,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 105,1 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 105,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 102,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

2019 йилнинг январь-сентябрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 83,1ё фоизни, саноатда – 66,4 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,7 фоизни, қурилишда – 97,8 фоизни, экспортда – 66,8 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши



Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши
(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)

Жиззах вилояти бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Жиззах шаҳар (1 226,6 млрд.сўм), Шароф Рашидов тумани (208,1 млрд.сўм), Зомин тумани (205,5 млрд.сўм) ва Фориш тумани (134,4 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Арнасой туманида (44,8 млрд.сўм), Янгиобод туманида (42,4 млрд.сўм) ва Зафаробод (34,4 млрд.сўм) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик бизнесда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш хажми ва ўсиш суръати

2019 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик бизнесда *чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати*



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Жиззах шаҳри (858,4 млрд.сўм), Зомин (638,8 млрд.сўм), Шароф Рашидов (593,8 млрд.сўм), Ғаллаорол (312,5 млрд.сўм) ва Бахмал (300,4 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-сентябрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Жиззах вилояти бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Жиззах шаҳрида (618,9 млрд.сўм), Шароф Рашидов (248,7 млрд.сўм), Ғаллаорол (180,8 млрд.сўм) ва Дўстлик (168,2 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

	Саноат	*Қурилиш*	*Хизматлар*	*Қишлоқ хўжалиги*
Жиззах вилояти	**66,4**	**97,8**	**63,2**	**99,7**
шаҳар:				
Жиззах	66,9	96,1	37,3	99,8
туманлар:				
Арнасой	55,9	100,0	99,2	100,0
Бахмал	100,0	100,0	93,0	99,4
Ғаллаорол	100,0	100,0	98,8	100,0
Шароф Рашидов	100,0	100,0	98,1	100,0
Дўстлик	18,3	100,0	98,5	100,0
Зомин	99,7	100,0	85,0	99,2
Зарбдор	49,1	100,0	98,5	100,0
Зафаробод	48,0	100,0	96,4	100,0
Мирзачўл	100,0	78,2	98,9	100,0
Пахтакор	38,0	100,0	96,7	100,0
Фориш	96,5	100,0	92,0	98,8
Янгиобод	100,0	100,0	98,0	98,9

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятда кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича соҳаларда паст улушини кўрсатаган туманлар тўғрисда.

Саноатда Жиззах шаҳри (66,9 %), Арнасой (55,9 %), Дўстлик (18,3 %), Зомин (99,7 %), Зарбдор (49,1 %), Зафаробод (48,0 %), Пахтакор (38,0 %), Фориш, (96,5 %) туманларида ташкил этади.

Қурилишда Жиззах шаҳри (96,1 %), Мирзачўл (78,2 %) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида шаҳар ва барча туманлар паст улушини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида Жиззах шаҳри (99,8 %), Бахмал (99,4 %), Зомин (99,2 %), Фориш (98,8 %) ва Янгиобод (98,9 %)туманлари ташкил этади.

2019 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 83,1 % ни ташкил қилди .

2019 йил январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда